



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 28 » yanvar

№ 34

Toshkent sh.

Узлуксиз таълим тизимида ёшларни миллий қадриятларга садоқат ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш самарадорлигини ошириш дастурини тасдиқлаш тўғрисида

Ўсиб келаётган ёш авлодни миллий қадриятларга хурмат руҳида тарбиялаш, узлуксиз таълим тизимида ягона ғоявий тарбияни шакллантириш, ёшларнинг интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини кенгайтириш, ватанпарварлик, халққа муҳаббат ва садоқат фазилатларини ривожлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Куйидагиларни назарда тутувчи Узлуксиз таълим тизимида ёшларни миллий қадриятларга садоқат ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш самарадорлигини ошириш дастури (кейинги ўринларда – Дастур) **1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин:

мактабгача, умумий ўрта, ўрта маҳсус, касбий ҳамда олий таълим тизими (кейинги ўринларда – узлуксиз таълим тизими) ташкилотларида ягона миллий тарбиянинг яхлит тизимини яратиш, Ватанга садоқат ва фаол фуқаролик позициясини шакллантиришнинг вертикал тизимини амалга ошириш;

Дастурнинг асосий ғояси, мақсад ва вазифаларига эришиш учун “Миллий тарбия модели”ни амалга ошириш;

ёш авлодни миллий қадриятларга садоқат ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича аниқ механизмларни жорий этиш.

2. Белгилансинки:

а) Дастур уч босқичда амалга оширилади:

Биринчи босқичда – мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланадиган 3–6 ёшдаги болаларга миллий ўзлик туйғусининг ривожланиши, ўз хатти-ҳаракатларини бошқариш ва ўзини намоён қилишга интилиш, теварак-атрофга муносабат кўникмалари сингдирилади;

Иккинчи босқичда – умумий ўрта таълим ташкилотларида ўқиётган 7–18 ёшдаги ўқувчиларда буюк ажлодларимизнинг маънавий меросини чукур ўрганиш, ўзига ишонч, мустақил қарор қабул қилиш, соғлом дунёқарааш, бағрикенглик, бурч ва масъулият фазилатлари шакллантирилади;

учинчи босқичда – ўрта махсус, касбий ва олий таълим ташкилотларида билим олаётган 16–22 ёшдаги ўқувчи ва талабаларда миллий қадриятларга ҳурмат, Ватанини ҳимоя қилишга тайёр, ҳарбий хизматга шай, фидойи шахсни тарбиялаш, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва нуфузини юксалтиришга ўз ҳиссасини қўша оладиган фаол фуқаролик позицияси ривожлантирилади;

б) барча таълим ташкилотларида **ҳар душанба** куни “Келажак соати” дарси ўтилади.

Бунда:

долзарб мавзулар доирасида дарс сценарийлари асосида контентлар яратилади ҳамда “**milliytarbiya.uz**” электрон платформасига жойлаштириб борилади;

“Келажак соати” дарсларини ўтувчи педагог ходимлар учун мақсадли малака ошириш курслари ташкил этилади;

в) Дастурда белгиланган вазифаларга эришиш мақсадида Ўзбекистоннинг **Миллий тарбия модели** ишлаб чиқилади;

г) ҳар йили маънавий-маърифий ишлар бўйича масъул раҳбар ва педагоглар ўртасида “**Миллий қадриятлар тарғиботчиси**” республика танлови ўтказилади.

3. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги билан биргаликда:

2026 йил 1 июнга қадар Ўзбекистоннинг Миллий тарбия моделини;

ҳар йили 1 сентябрга қадар маънавий-маърифий тадбирларнинг намунавий иш режаларини тасдиқласин.

4. Узлуксиз таълим тизимида ёшларни миллий қадриятларга садоқат ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш самарадорлигини ошириш дастурини 2026 йилда амалга ошириш бўйича “йўл харитаси” **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

5. Мудофаа вазирлиги Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

2025/2026 ўқув йилидан бошлаб “Жасорат мактаблари” ўқувчилари ўртасида икки босқичдан иборат “**Жасорат учқунлари**” ҳарбий-ватанпарварлик ва спорт мусобақасини ўтказсин;

2026 йил июнь ойида таълим ташкилотларида “Ватан таянчи” ҳаракати аъзоларининг **ҳарбий-ватанпарварлик форумини** ташкил этсин.

6. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги Мудофаа вазирлиги билан биргаликда талаба қизлар ўртасида “**Тўмарис издошлари**”, талаба ўғил болалар ўртасида “**Амир Темур ворислари**” номли ҳарбий-спорт мусобақаларини ўтказсин.

7. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Маданият вазирлиги, Ўзбекистон маҳаллалари ўюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда Ёзувчилар ўюшмаси билан биргаликда:

“Келажак соати” дарслари учун миллий контентларни ишлаб чиқиши жараёнларига, шунингдек, “оила – маҳалла – таълим ташкилоти” ҳамкорлик механизми асосида таълим ташкилотларида китобхонлик кечалари ҳамда маданий учрашувларни ташкил этишда таниқли театр ва кино актёрлари, фаол жамоатчилик вакиллари, шоирлар ҳамда ёзувчиларни жалб этсин;

ўкувчи-ёшларни интеллектуал, ахлоқий, маънавий-маърифий ва жисмоний жиҳатдан ҳар томонлама ривожлантиришга йўналтирилган лойиҳаларни амалиётга жорий этсин.

8. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ҳар йили 1 декабрга қадар Дастурни келгуси йилларда амалга ошириш бўйича тегишли “йўл хариталари” лойиҳаларини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритиб борсин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг “Умумий ўрта таълим муассасаларида маънавий-маърифий ҳамда тарбиявий ишлар самарадорлигини ошириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2022 йил 3 октябрдаги 558-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси мактабгача ва мактаб таълими вазири Э.Г. Каримова ҳамда олий таълим, фан ва инновациялар вазири К.А. Шарипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “28” январ даги 34-сон қарорига
1-илова

**Узлуксиз таълим тизимида ёшларни миллий қадриятларга садоқат
ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш самарадорлигини ошириш
ДАСТУРИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. “Янги Ўзбекистон – Учинчи Ренессанс сари” ғояси асосида узлуксиз таълим тизимида маънавий-маърифий, ўқувчи-ёшларни миллий қадриятларга содиқлик, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, жамиятда бўлаётган ўзгаришларга дахлдорлик ҳиссини шакллантириш зарурати юзага келмоқда.

Мазкур Дастур ёш авлоднинг интеллектуал салоҳияти, замонавий билим ва қўникмаларни эгаллаш, уларда “Мен ўзбекистонликман” деган фахр туйғусини шакллантириш, халққа муҳаббат ва садоқат туйғуси билан яшайдиган комил инсонни тарбиялашнинг устувор йўналишларини белгилайди.

2. Дастур давлатчилигимиз ривожининг бой миллий-тариҳий тажрибасига таянган ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, давлат мактабгача, умумий ўрта, ўрта маҳсус, касбий ва олий таълим ташкилотларини (кейинги ўринларларда – таълим ташкилотлари) бирлаштирувчи ягона миллий тарбиянинг яхлит тизимини яратиш, Ватанга садоқат ва фаол фуқаролик позициясини шакллантиришнинг вертикал тизимини амалга оширишга қаратилган.

Нодавлат таълим ташкилотлари миллий тарбия тизимини яратиш, ўқувчи ва талабаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда уларда ғоявий иммунитетни шакллантиришда ушбу Дастурдан фойдаланиши мумкин.

2-боб. Дастурнинг мақсади ва асосий вазифалари

3. Дастурнинг мақсади таълим ташкилотларида миллий тарбияни изчил, тизимли ва самарали йўлга қўйиш орқали юксак маънавиятли, мустақил фикрлайдиган, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилишда қатъий фуқаролик позициясига эга, жаҳолатга қарши маърифат билан курашувчи ёш авлодни вояга етказишдан иборат.

4. Куйидагилар мактабгача, мактаб, олий таълим тизимида ягона ғоявий тарбияни шакллантиришнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

Дастурнинг стратегик ғояси, мақсад ва вазифаларига эришиш учун Ўзбекистоннинг **Миллий тарбия моделини** ишлаб чиқиши;

ёшларда мустақил ва бахтли ҳаёт учун зарур ижтимоий малака ва қўникмаларни ёшига мос, босқичма-босқич сингдириб боришининг вертикал тизимини яратиш;

Дастурдаги вазифаларни таълим ташкилотларида амалга ошириш ҳамда мазмунга мос дастур ва режалар ишлаб чиқиши;

ҳар ўқув йилида таълим ташкилотлари учун Дастурдаги устувор йўналишлар асосида узлуксиз давом этувчи маънавий-маърифий тадбирларнинг намунавий иш режасини тасдиқлаш;

ҳафтанинг **ҳар душанба** куни долзарб мавзулар доирасида таълим ташкилотлари учун узвийлик ва узлуксизликни таъминлашга қаратилган “Келажак соати” дарси ўтилишини йўлга қўйиш;

“Келажак соати” дарси сценарийлари, видеоконтент маҳсулотларини ишлаб чиқиши ҳамда рақамли контент шаклида “*milliytarbiya.uz*” электрон платформасига жойлаштириш;

ҳар ўқув йилида маънавий-маърифий ишлар бўйича масъул раҳбар ва педагогларни рағбатлантиришга қаратилган “Миллий қадриятлар тарғиботчиси” республика танловини ўтказиш;

“оила-маҳалла-мактаб” тамойили асосида маҳаллалардаги маънавият, адабиёт, маданият, санъат намояндаларини ўз маҳаллаларидаги боғча ва мактабларга “Миллий мураббий” сифатида уларнинг розилиги асосида жалб этиш.

3-боб. Дастурни амалга ошириш механизмлари

5. Ёш авлодни миллий қадриятлар ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш самарадорлигини ошириш бўйича мактабгача, мактаб, олий таълим тизимида яхлит тизимни яратиш мақсадида кўйидаги чора-тадбирлар амалга оширилади:

мактабгача ёшдаги болалар учун миллий қаҳрамон образини яратиш, эртаклар, афсона, достон ва мақоллар асосида мультимедиа маҳсулотларини тайёрлаш, улардан болалар тарбиясида кенг фойдаланиш;

таълим ташкилотларида ёш хусусиятларини инобатга олган ҳолда, маънавий-ахлоқий, шахсий фазилатларни шакллантирувчи тренинглар, симуляция, кейслар ва методик тавсияларни амалиётга жорий этиш;

ўқувчи-ёшларда касблар тўғрисидаги тасаввурларни кенгайтириш, уларнинг касбга ва меҳнатга қизиқишини орттириш ҳамда ўз бурч ва вазифаларини вижданан бажариш кўникумларини ҳосил қилиш;

тарбиянинг миллий ва илғор хорижий тажрибаларидан самарали фойдаланиш, миллий ғоя ва қадриятларни интерфаол, замонавий шаклда сингдириш, тарбиячи ва ўқитувчиларнинг малакасини ошириб бориш;

Дастур ва Миллий тарбия моделини амалга оширишда “оила – маҳалла – таълим муассасаси”, шунингдек, давлат ва нодавлат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ўртасида самарали ҳамкорлик механизмини йўлга қўйиш.

6. Дастур қўйидаги механизмлар орқали амалга оширилади:

ёш авлодни рақобатбардош, фидойи ва ватанпарвар, миллий қадриятлар, замонавий билим ҳамда кўникумларга эга мутахассислар этиб тарбиялашнинг янги миллий технологияси – Ўзбекистоннинг Миллий тарбия модели яратилади;

ёш авлоднинг турли бузғунчи ғоялар, ахборот хуружлари, одоб-ахлоқни бузувчи иллатларга қарши иммунитетини шакллантиришга қаратилган тарбиявий контентлар, тарғибот материалларидан самарали фойдаланилади;

ёш авлодда миллий ватанпарварлик компетенциялари траекториясини белгилаш, кузатиш, ўлчаш, баҳолаш, яхшилаш ва ривожланишига қаратилган мониторинг юритилади.

7. Дастур қуйидаги уч босқичда амалга оширилади:

а) **биринчи босқич** – мактабгача таълим 3-6 ёшгача бўлган даврни қамраб олади. Бунда:

болаларда миллий ўзлик туйғусининг ривожланиши, ўз хатти-ҳаракатларини бошқариш ва ўзини намоён қилишга интилиш, теварак-атрофга муносабат кўникмалари шакллантирилади;

“Келажак соати” дарси доирасида намунавий иш режаси, болаларнинг ёшига мос хулқ моделларини ўргатишга доир тарбиячилар учун қўлланма, болаларга мўлжалланган зарур кўргазмали воситалар тўпламлари, қизиқарли дидактик материаллар тайёрланади;

болаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда ота-оналарнинг ҳамкорлигини кучайтириш мақсадида “Фарзандим билан ижод” лойиҳаси амалга оширилади;

б) **иккинчи босқич** – умумий ўрта таълим тизимида 7 – 18 ёшгача бўлган даврни қамраб олади;

“Келажак соати” дарси учун намунавий иш режаси, зарур қўлланма ва кўргазмали воситалар тўплами, сценарийлар, матнли, аудио, видеоконтент маҳсулотлар тайёрланади;

ўқувчилар онгига мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш, буюк аждодларимизнинг маънавий меросини чукур ўрганиш, ўзига ишонч, мустақил қарор қабул қилиш, соғлом дунёқарааш, бағрикенглик, бурч ва масъулият фазилатлари шакллантирилади;

мактаблардаги “Келажак соати” дарсини ўтувчи синф раҳбарлари ҳамда ўқитувчилар учун Миллий тарбия моделини ўргатиш бўйича тренинг ва мақсадли малака ошириш ўкув курслари каскад усулида ташкил этилади;

в) **учинчи босқич** – ўрта маҳсус, касбий ва олий таълим ташкилотлари тизимида 16 – 22 ёшгача бўлган даврни қамраб олади;

“Келажак соати” дарси учун намунавий иш режаси, зарур қўлланма ва кўргазмали воситалар тўплами, сценарийлар, матнли, аудио, видеоконтент маҳсулотлар тайёрланади;

таълим ташкилотларида тўғри овқатланиш, спорт ва соғломлаштириш дастурларини ҳаётга татбиқ этишга қаратилган тадбирларни ўз ичига олган “Соғлом авлод – миллат келажаги” лойиҳаси амалга оширилади;

“Ўзликни англаш” туркумида “Миллий қадриятлар”, “Касб маданияти” ва бошқа методик таъминотга ёрдам берувчи ўқув адабиётлари тайёрланади;

ёшларни миллий қадриятлар ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, талабалар спортини ривожлантириш ва соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш мақсадида фундаментал, илмий ва инновацион лойиҳалар учун танловлар ўтказилади.

5-боб. Дастурни амалга оширишдан кутилаётган натижалар

8. Дастурда белгиланган вазифаларни амалга ошириш натижасида куйидагиларга эришилади:

таълим тизимида миллий қадриятларга содик, маънавий баркамол, фуқаролик позицияси мустаҳкам, жамиятда ўз ўрнини тўлиқ англаган ёш авлодни тарбиялаш борасидаги мафкуравий-тарбиявий йўналиш шакллантирилади;

ватанпарварликни асосий қадрият сифатида қабул қилувчи маданий мухитни шакллантириш ва ёшлардаги мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш имкони яратилади;

таълим-тарбия соҳасида масъул вазирлик ва идоралар, нодавлат нотижорат ташкилотлар хамда фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилади;

мактабгача таълимдан олий таълимгача бўлган узлуксиз таълим тизимида ягона миллий тарбия тизими яратилади;

таълим ташкилотларида тарбия модели методик комплекслар ва фанлараро дастурлар билан узвий боғлиқ ҳолда жорий этилади.

9. Дастур Янги Ўзбекистонда ёш авлодни маънавий юксалтириш, кенг дунёқарашга эга бўлиши, ватанпарвар ва жамиятда бўлаётган ўзгаришларга дахлдорлик ҳисси асосида тарбиялашга хизмат қиласи.

6-боб. Дастурнинг амалга оширилишини мониторинг қилиш

10. Дастурнинг амалга оширилишини тизимли мониторинг қилиш, умумий мувофиқлаштириш, республикада таълим ташкилотлари ривожланишига тўсқинлик қилувчи муаммоли масалаларни тезкор кўриб чиқиш ва ҳал қилиш тегишлилиги бўйича Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан амалга оширилади.

11. Дастурни амалга ошириш мониторинги натижалари тўғрисидаги маълумотлар белгиланган муддатларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ва Вазирлар Маҳкамасига киритиб борилади.

**Узлуксиз таълим тизимида ёшларни мииллий қадриятларга садоқат ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш
самарадорлигини ошириш дастурини 2026 йилда амалга ошириш бўйича
“ЙУЛ ХАРИТАСИ”**

| Т/р | Чора-тадбирлар | Амалга ошириш Механизми | Ижро муддати | Молиялаштириш манбай | Масъул ижрочилар |
|-----|---|--|-------------------------------------|-------------------------|---|
| 1. | Таълим ташкилотларида маънавий-маърифий ишлар бўйича масъул раҳбар ва педагогтарни рағбатлантириш максадида ҳар ўкув йилида “Мииллий қадриятлар тарбиботчиси” республика танлови тўғрисидаги низомни ишлаб чиқши ва тасдиқлаш. | 1. Тегишли идоралар ва ташкилотлар иборат ишчи гуруҳ тузиш. 2.“Мииллий қадриятлар тарбиботчиси” республика танлови тўғрисидаги низомни ишлаб чиқши ва тасдиқлаш. 3. Режа асосида танловнинг туман, шаҳар, вилоят ва республика босқичларини ўтказиш. 4. Танловни юкори савида ташкил этиш ва ғолибларни рагбатлантириш. | 2026 йил февраль 2026 йил апрель | Ижрочилар маблаглари | Мактабгача ва мактаб таълимни вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги |
| 2. | Мактабгача, мактаб хамда олий таълим ташкилотларида ёшларни мииллий қадриятларга садоқат ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ошириш самарадорлигини дастурунинг стратегик тарбия моделини ошириш бўйича кўшма карор лойиҳасини ишлаб чиқши ва тасдиқлаш. | 1. Эксперлар шакллантириш. 2. Мииллий тарбия моделини ошириш бўйича стратегик тарбия моделини ошириш бўйича кўшма карор лойиҳасини ишлаб чиқши ва тасдиқлаш. | 2026 йил февраль 2026 йил июнь | — | Мактабгача ва мактаб таълимни вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Республика Мальнавият ва маърифат маркази, Таълимни ривожлантириш республика илмий-методик маркази |

| | | | | |
|----|--|---|-------------------------------|---|
| 3. | <p>“Келажак соати” дарси учун миљий контентларни ишлаб чиқиши жараёнларига, шунингдек, “оила – маҳалла – таълим ташкилоти” ҳамкорлик механизми асосида таълим ташкилотларида китобхоник маданий ҳамда кечалари ташкил этишида учрашувларни ташкил ҳамда таникли театр ва кино актёрлари, фоол жамоатчилик вакиллари, шоирлар ҳамда ёзувчиларни жалб этиш.</p> | <p>1. Таникли театр ва кино маънавият актёрлари, таргиготчилари, ёзувчилар рӯйхатини тузиш. 2. Миллий контентларни ишлаб чиқиши жараёнларида таникли театр ва кино актёрлари, маънавият тарғиботчилари, шоирлар, ёзувчилар иштирокини таъминлаш.</p> <p>3. Сифатни ва намунаний контентлар ишлаб чиқкан соҳа мутахассисларини рагбаглантириш чораларини кўриб бориш.</p> | <p>2026 йил февраль доими</p> | <p>Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Маданият вазирлиги, Ўзбекистон махаллари уюшмаси, Республика Маънавият ва Марифат маркази, Ёзувчилар уюшмаси</p> |
| 4. | <p>Республикадаги ҳар бир туман (шахар)да фаолияти йўлга кўйилган “Жасорат мактаби” ўқувчилари ўртасида иккни боскичдан иборат “Жасорат ҳарбий-учкунлари” иборат ҳарбий-ваганпарварлик ва спорт мусобакасини ўтказиш.</p> | <p>1. “Жасорат учкунлари” ҳарбий-спорт ваганпарварлик ва мусобакасини ташкил юзасидан ишчи гурух тузиш. 2. “Жасорат учкунлари” ҳарбий-ваганпарварлик ва спорт мусобакасини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги кўшима карор ҳамда Низомни тасдиқлаш. 3. Мусобака галибларини аниқлаш ва муносиб тақдирлаш. 4. Республика боскичида биринчи ўринини эгаллаган ғолиб жамоани хорижга тальим саёҳатига юбориши.</p> | <p>2026 йил февраль</p> | <p>Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий гвардия, Ёшлар ишлари агентлиги,</p> |
| 5. | <p>“Ўзликни англаш” туркумида “Ўзбек педагогикаси”, “Ўзбек маданияти”, “Ўзбек фалсафаси” ва бошқа методик таъминотга</p> | <p>1. Укув адабиётларини яратувчи муаллифилар гурӯхини шакллантириши.</p> | <p>2026 йил февраль</p> | <p>Маънавият ва ижодни кўллаш-кувватлаш</p> |

| | | | | |
|---|--|---|--|---|
| <p>ёрдам берувчи ўкув адабиётларини тайёрлаш.</p> | <p>2. Ўкув адабиётларини тайёрлаш. 3. Ўкув адабиётларини Маньнавият ва ижодни кўллаб-куватлаш жамгармаси маблағлари доирасида ажратилган грант хисобидан чол этиши.</p> | <p>2026 йил май</p> <p>2026 йил деқабрь</p> | <p>Жамгармаси маблағлари</p> | <p>республика илмий-методик маркази, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги</p> |
| <p>6. Мактабгача ташкилотларида “Фарзандим билан ижод”, мактаб ва олий таълим тизимида “Софлом авлод – милллат келажаги” ва “Экофаол ёшлар” лойихаларини амалга ошириш.</p> | <p>1. Лойихаларни ташкил этиш дастури ва сценарийини ишлаб чикиш. 2. Ишлаб чиқилган сценарийлар асосида лойиха доирасидаги тадбирларни юкори савида ўтказиш.</p> | <p>2026 йил март</p> <p>2026 йил апрель-май</p> | <p>Ижрочилар маблағлари</p> | <p>Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Маданият вазирлиги, Соғлиқни саклаш вазирлиги, Спорт вазирлиги</p> |
| <p>7. Таълим ташкилотларида ташкил этилган “Ватан таянчи” харакати аъзоларининг ватанпарварлик форумини ташкил этиши.</p> | <p>1. Форумни юкори савида ташкил этиш ва ўтказиш дастурини ишлаб чикиш ва тасдиқлаш. 2. Форумни ташкил этиш ва унинг доирасида:</p> <p>Куролли Кучлар таркибига кирувчи вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари ва “Ватан таянчи” харакати аъзолари ўргасида очик мулокотлар ташкил этиши;</p> <p>мактабни альо баҳолар билан тамомлаган “Ватан таянчи” харакати аъзоларига тантанали равишда имтиёзли тавсияномалар топшириши;</p> | <p>2026 йил май</p> <p>2026 йил июнь</p> | <p>“Ватан таянчи” болалар ва ўсмирлар харбий-ватанпарварлик харакатини ривожлантириш жамгармаси маблағлари</p> | <p>Мудофаа вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазирлар вазирлиги, Миллий гвардия, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги</p> |

| | | | | | | |
|-----|--|---|---|----------------------------|----------------------|--|
| | | ўкув ыйли давомида юкори натижаларга эришган “Ватан таянчи” харакати аъзоларини тақдирлаш. | ўкув ыйли давомида юкори натижаларга эришган “Ватан таянчи” харакати аъзоларини тақдирлаш. | 2026 йил май | Ижрочилар маблағлари | Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Спорт вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги |
| 8. | Талаба кизлар ўртасида “Тўмарис издошлари”, талаба ўртасида “Амир Темур ворислари” номли харбий-спорт мусобакаларини ўтказиш. | 1. Ҳарбий – спорт мусобакалари низомини ишлаб чиқиши ва тасдиқлаш. 2. Бептиланган талабларга асосида ҳар бир худуддаги битта олий таълим ташкилотида мусобакаларни ўтказишга мос равишда жиҳозланш. 3. Мусобакаларни юкори Белгиланган муддатларда савиядга ташкил этиши. | 1. Ҳарбий – спорт мусобакалари низомини ишлаб чиқиши ва тасдиқлаш. 2. Бептиланган талабларга асосида ҳар бир худуддаги битта олий таълим ташкилотида мусобакаларни ўтказишга мос равишда жиҳозланш. 3. Мусобакаларни юкори Белгиланган муддатларда савиядга ташкил этиши. | 2026 йил давомида | Ижрочилар маблағлари | Мудофаа вазирлиги, Спорт вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги |
| 9. | Таълим ташкилотлари учун Дастурдаги устувор йўналишлар асосида узлуксиз давом этиувчи Манъавий-маърифий тадбирларнинг намунавий иш режасини ишлаб чиқиши ва тасдиқлаш. | 1. Ҳар ўкув йили учун Манъавий-маърифий тадбирлар намунавий иш режасини ишлаб чиқиши ва тасдиқлаш. 2. Иш режасида белгиланган тадбирларни юкори савиядга ўтказиш. | 1. Ҳар ўкув йили учун Манъавий-маърифий тадбирлар намунавий иш режасини ишлаб чиқиши ва тасдиқлаш. 2. Иш режасида белгиланган тадбирларни юкори савиядга ўтказиш. | 2026 йил 1 сентябрга кадар | – | Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги |
| 10. | Мактабгача, мактаб, ўрга маҳсус, қасбий таълим ташкилотларида ҳафтанинг ҳар душанба куни “Келажак соати” дарснини ўтказишни йўлга кўйиш. Олий таълим ташкилотларида дарс жадвалига мувофиқ “Келажак соати” руҳни остида дарсларининг 2030” стратегиясининг асосий мунтазам ўтилишини ташкил этиш | 1. Ўкув йили учун дарс мавзуларини ишлаб чиқиши ва тасдиқлаш. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис ва Ўзбекистон мурожаатномаси мазмунни ва моҳиятини ҳамда “Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг асосий йўналишлари ва максадлари | 1. Ўкув йили учун дарс мавзуларини ишлаб чиқиши ва тасдиқлаш. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис ва Ўзбекистон мурожаатномаси мазмунни ва моҳиятини ҳамда “Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг асосий йўналишлари ва максадлари | 2026 йил июль | Ижрочилар маблағлари | Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Болалар контентини ривожлантириш маркази |

| | | |
|---|--|--|
| <p>хакида тушунча ва кўнинмаларни беришга алоҳида эътибор қартиш.</p> <p>2. Долзарб мавзулар доирасида, дарс сценарийларини ишлаб чикиш, видеоконтент маҳсулотларини тайёрлап режа-жадвалини тасдиқлаш.</p> <p>3. Режа-жадвалга мувофик дарс сценарийлари ва видеоконтент маҳсулотларини тайёрлаш.</p> <p>4. Тайёрланган барча методик материалларни “milliytarbiya.uz” электрон платформасига жойлаштириш.</p> | <p>Режа-жадвал асосида чикиш, видеоконтент маҳсулотларини тайёрлап режа-жадвалини тасдиқлаш.</p> | <p>Мактабгача ва мактаб таълимий вазирлиги</p> |
| <p>11. Умумий ўрта таълим ташкилотларидағи “Келажак соати” дарснини ўтувчи синф раҳбарлари учун мақсадириштап ошириш курсларининг режа-жадвалини тузиш.</p> <p>2. Тасдиқланган режа-жадвал асосида малака ошириш ўкув курсларини каскал усулида ташкил этиш.</p> | <p>1. “Келажак соати” дарснини ўтувчи синф раҳбарлари учун мақсадириштап ошириш курсларининг режа-жадвалини тузиш.</p> <p>2. Тасдиқланган режа-жадвал асосида малака ошириш ўкув курсларини каскал усулида ташкил этиш.</p> | <p>Режа-жадвал асосида</p> |
| <p>12. Ёш автолни миллий кадриятларга садоқат ва ваганпарварлик руҳида тарбиялаш борасида амалга оширилаётган ишларни ёритиш.</p> | <p>1. Ёш автолни миллий кадриятларга садоқат ва ваганпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича ўтказилиётган тадбирлар тўғрисида ахборот материалларини тайёрлаш.</p> <p>2. Тайёрланган материалларни ОАВ ва ижтимоий тармокларда кенг ёритиш.</p> | <p>Мактабгача ва мактаб таълимий вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги</p> |

